# КУЧ — АДОЛАТДА

2014 йил
11 апрель,
жума
№ 15 (476)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


*Мамлакатимизда юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, эртанги куннинг ҳақиқий эгалари бўлган баркамол авлод камолга етмоқда. Бу Президентимизнинг истиқлолнинг дастлабки йилларида "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган эзгу ниятлари ўтган давр мобайнида босқичма-босқич ҳаётимизда ўз ижобатини топаётгани натижасидир. Зотан, юртимизда ёш авлод камолоти йўлида яратилаётган шароит ва ғамхўрликлар қобилиятли, салоҳиятли, баркамол фарзандларимиз учун янги-янги имкониятлар эшигини очмоқда. Фарзандларимизнинг фан, таълим, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётгани бунинг яққол тасдиғидир.*










# ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг яна бир муҳим кафолати бўлди.

Бугун нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ўғил-қизларимиз сафи тобора кенгайиб, улар қўлга киритаётган совринлар миқдори кўпайиб бормоқда. Жаҳон миқёсидаги нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари муваффақиятли иштирок этмоқда. Бир пайтлар спортчиларимиз фақат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида бугун истиқлол фарзандлари — ёш спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритиши одатий ҳолга айланди.

(Давоми тўртинчи бетда)

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 10 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент муҳокамасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу Қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берган маърузасида баён этилган қоидалар ва ғояларга мувофиқ тайёрланган ва қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, "Кучли давлатдан — кучли фукаролик жамияти сари" принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини рўёбга чиқаришдаги ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи олий орган, ҳокимият вакиллик органларининг Вазирлар Маҳкамаси ва ижро этувчи органлар фаолияти устидан назорат қилиш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш учун ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш мақсадида киритилмоқда.

Сенаторлар ушбу Қонун қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларининг бўлинишидан иборат конституциявий принципни амалга оширишнинг муҳим омили бўлишини алоҳида қайд этдилар.

Қонун "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" деб номланган мамлакатимиз тараққиётининг бош принципини амалга оширишни бундан буён ҳам давом эттириш, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда демократиянинг бошқа умумэътироф этилган қадриятлари ва нормаларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган сиёсий тузилмани шакллантиришда улкан аҳамиятга эга.

Асосий Қонунга парламент назорати институти киритилмоқда.

Бош вазир лавозимига номзод парламентда унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда ҳукуматнинг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақидаги норманинг Конституцияга киритилиши демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган парламентаризм, кўппартиявийлик тизими ва партияларaро рақобат, фракцияларaро курашни янада мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Қонунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир энг муҳим масалалар юзасидан ҳукуматнинг ҳар йили ўз маърузаларини парламентга тақдим этиш мажбурияти ҳам назарда тутилмоқда.

Сенаторлар Конституциянинг 98-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари ва ҳуқуқларини аниқлаштиришни ва кенгайтиришни назарда тутадиган нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши муҳимлигини таъкидладилар.

(Давоми иккинчи бетда)

**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлиги, адолат ва тинчлик-осойишталикни таъминлашга хизмат қилмоқда.**

*Islohot va samara*

# Қонунчилигимиздаги инсонпарварлик тамойиллари

## фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоясига хизмат қилмоқда

Айтиш керакки, мамлакатимизда жиноий жазоларни изчиллик билан либераллаштирилиб борилаётгани бу борадаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Чунончи, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ҳамда 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган Жиноят кодексида жазо тизими ва турлари миллий давлатчилигимизнинг тарихий тажрибаси, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган демократик, инсонпарварлик тамойили ва меъёрлари устуворлиги асосида, жиноий жазо жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий воситаси эмаслиги нуқтаи назаридан ишлаб чиқилди. Хусусан, инсон қадр-қиммати ва шаънини камситувчи хусусиятларга эга бўлган сургун, бадарға қилиш, вазифасидан бўшатиш ва жамоат иззаси каби жазолар жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланди.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.

Шу ўринда либераллаштириш тушунчасига қисқача тўхталиб ўтсак, бу сўз французча "liberalisation" сўзидан олинган бўлиб, озодликка тегишли, озод деган маъноларни англатади.

(Давоми учинчи бетда)

*Qonun ijodkorligi*

# Давлат мулкини бошқариш

## бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат мулкини бошқаришни тартибга солишга қаратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди. Фуқаролик, Ер, Солиқ, Уй-жой кодекслари, "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Ижара тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.**

Жумладан, Фуқаролик кодексида мол-мулк билан боғлиқ тушунчалар батафсил баён этилган. Шунингдек, ушбу кодексда мол-мулкка бўлган ҳуқуқни харид қилиш ва унинг тугатилиши шартлари назарда тутилган.

"Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ва "Ижара тўғрисида"ги қонунлар билан давлат мулкини тасарруф этиш, унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишнинг хусусиятлари аниқлаштирилди.

Албатта, давлат мулки билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга оид қонунчиликни, замон талабидан келиб чиқиб, такомиллаштириб бориш соҳадаги ишларни самарали тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун лойиҳаси давлат мол-мулкини мамлакатимизда ҳам, ундан ташқарида ҳам самарали бошқаришга йўналтирилган.

Хусусан, қонун лойиҳасида давлат мулкини, унга бўлган ҳуқуқларни давлат томонидан харид қилиб олган вақтдан бошлаб, уларнинг тугатилганлигига қадар бошқариш тизимини яратиш назарда тутилган.

(Давоми учинчи бетда)

*Huquq va burch*

# Гаров тушунчаси

## унинг вужудга келиш асослари ва турлари

**Аввало шуни айтиш керакки, амалдаги фуқаролик қонунчилигида гаров институти мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида белгиланган.**

Шундан келиб чиқиб, қайд этиш жоизки, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқий мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади. Гаров туфайли гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредитор (гаровга олувчи) қарздор (гаровга қўювчи) томонидан бу мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)-нинг бошқа кредиторларига нисбатан ўз талабини имтиёзли равишда қаноатлантиришга ҳақли бўлади.

(Давоми учинчи бетда)

*Mezon*

# Маъмурий назорат

## ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади

**Маълумки, Асосий қонунимизга мувофиқ, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Мазкур меъёр моҳият-эътибори билан ҳар бир фуқаронинг зиммасига муайян мажбуриятни юклаши баробарида аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини кафолатли ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосидир, десак, янглишмаймиз.**

Бироқ ҳаётда жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этмайдиган, ҳатто турли жиноий қилмишларга қўл урадиган баъзи кимсалар учраб туради. Албатта, бундай номуносиб хулқ-атвордаги шахсларга нисбатан қонуний жазо тайинланади ва ахлоқан қайта тарбиялашга доир зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

(Давоми иккинчи бетда)

*Mezon*

# Маъмурий назорат

## ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Айтиш керакки, шундай таъсир чораларидан бири ҳисобланган маъмурий назорат ўрнатишга доир асосий қоидалар амалдаги "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахсларнинг устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонунда ўзининг аниқ ифодасини топган. Мазкур қонунга асосан, маъмурий назорат ўрнатишдан кўзланган асосий мақсад — муқаддам судланганлар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларнинг хулқ-атворини ижобий томонга шакллантиришдан иборатдир.

Таъкидлаш керакки, маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга ошириш назорат остидаги шахснинг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, унинг инсоний қадр-қимматини камситмаслиги, иш, ўқиш ва яшаш жойида обрўсини тўкмаслиги лозим.

Қонун талабига кўра, маъмурий назорат ўрнатиш учун, аввало, суднинг қарори талаб қилинади. Судья жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг озодликка чиқарилаётган шахснинг тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаётгани баён этилган тақдимномасини олган пайтдан бошлаб ўн кун ичида маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорда назорат ўрнатишга нималар сабаб бўлгани, назорат муддати, назорат остидаги шахсга нисбатан қўлланиладиган чекловлар кўрсатилади.

Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга белгиланади ҳамда ушбу муддат ички ишлар идораларининг тақдимномасига биноан, ҳар сафар яна олти ойга узайтирилиши мумкин. Лекин узайтирилган назорат муддати шахс содир этган жиноят учун белгиланган судланганлик муддатининг тугаши ёки судланганлик олиб ташланиши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги лозим.

Айтиш керакки, қонунда ички ишлар идоралари ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда назорат остига олинган шахснинг хулқ-атворини мунтазам назорат қилиб бориши, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш юзасидан зарур чоралар кўриши, жамоат тартиби бузилиши, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказилишининг олдини олиши ва бунга йўл қўймаслиги белгиланган.

Бундан ташқари ички ишлар идораси ходимлари назорат остига олинган шахснинг хулқ-атвори тўғрисида иш берувчидан, ушбу шахс ўқиётган муассаса маъмуриятидан, у яшаётган жойдаги жамоат бирлашмаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек, фуқаролардан маълумотлар талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Маъмурий назорат остида турган шахс ҳалол меҳнат қилиб кун кечириши, жамоат тартибини бузмаслиги, бошқа фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, ички ишлар идораси ходимининг чақирувига биноан белгиланган муддатда бориши ҳамда маъмурий назорат қоидаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтириш бериши, ишлаш ёки яшаш жойи ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек, туман (шаҳар)дан ташқарига кетаётгани тўғрисида ички ишлар идораси ходимларини бир кеча-кундузда хабардор қилиши, бошқа аҳоли манзилгоҳига борганида ва у ерда бир кеча-кундуздан кўпроқ вақт туриб қолганида маҳаллий ички ишлар бўлимида рўйхатдан ўтиши ва ўзига нисбатан қўлланилган чеклашларга риоя этиши шарт.

Агар ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахс назорат қоидаларини бузса, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этган ҳисобланади. Башарти, маъмурий назорат қоидалари худди шундай қилмиши учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан бузилса, у жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга мурожаат этсак, Қўқон шаҳрида яшовчи Валижон Абдувалиевга нисбатан олти ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилган бўлса-да, у бу қоидаларга қасддан риоя этмаган. Аниқроқ айтганда, у ўзи истиқомат қилаётган жойни ўзбошимчалик билан ташлаб, қўшни республикага кетиб қолади. Шу сабабли унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг ҳукми билан у айбдор, деб топилиб, тегишли жазо тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий назорат шахснинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамият муҳити барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Маъруфжон ТЕШАБОЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг раиси*

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий сиёсатни, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, илм-фан, маданият, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъулият юклатилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, қонунда белгиланган тартибда уларнинг фаолияти назорат қилинишини таъминлайди. Сенаторлар таъкидлаганларидек, Ўзбекистонни сиёсий ва конституциявий ривожлантириш мантиғининг ўзи Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва масъулиятини таъминлашга қаратилган ушбу қоидаларни тақозо этмоқда.

Конституциянинг 32-моддасига киритилаётган тузатишлар ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал қилишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини анча кучайтиради. Ушбу модданинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилаб берадиган нормаси бу ҳуқуқ давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилмоқда.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ва айни вақтда вакиллик органи олдидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини белгилайдиган норма билан тўлдирилмоқда. Ушбу ҳисоботлар бўйича халқ депутатлари Кенгашлари тегишли қарорлар қабул қилади.

Сенаторлар Конституциянинг 117-моддасига киритилаётган тузатишлар алоҳида аҳамиятга эгалигини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Бу тузатишлар парламент томонидан тузиладиган мустақил конституциявий орган сифатидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш, унинг ишлаши ва мақомининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаб қўйди. Конституцияда Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, одилликдан иборат асосий принциплари мустаҳкамланмоқда. Буларнинг барчаси сайлов тизимини янада демократлаштириш йўлидаги муҳим қадамдир. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўзга чиққан сенаторлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Қонуннинг қоидалари чет эллик сиёсий арбоблар ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланаётганлигини, улар бу янгиликлар энг демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мослигини таъкидлаётганликларини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Ушбу Қонунга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларининг нормалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган тузатишларга мувофиқлаштирилди.

Юқоридаги қонунларни муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар қайд этганларидек, уларнинг қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни изчил рўёбга чиқариш мамлакатнинг барқарорлиги ва унинг ривожланишини таъминлашдаги ҳал қилувчи омил бўлади. Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбарининг мамлакатни янада демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ташаббусларини амалга ошириш муҳим халқаро аҳамиятга эга.

Сенаторлар халқаро вазият нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бутун жаҳон ҳамжамияти қатори Ўзбекистон ҳам Украина ва унинг атрофидаги вазиятдан ташвишланмаслиги мумкин эмаслигини таъкидладилар. Сенаторлар ушбу масала бўйича Ташқи ишлар вазирлигининг шу йил 4 ва 24 мартдаги баёнотларида билдирилган позицияни қўллаб-қувватлаб, Украинада юз бераётган воқеалар вазиятнинг жиддий мураккаблашувига ҳамда қарама-қаршиликка олиб келгани баробарида, улар тангликнинг янада кучайишини, олдиндан айтиш мушкул бўлган оқибатларни келтириб чиқариши, мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига жиддий хавф солиши мумкинлиги Ўзбекистонда чуқур хавотир ва ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмаслигини қайд этдилар.

Сенаторлар юзага келган вазиятнинг бартараф этилишини, энг аввало, куч ишлатишлар қўлланилишидан воз кечилган ҳолда, вужудга келган муаммолар тинч йўл билан, сиёсий воситалар ва саъй-ҳаракатлардан фойдаланилган тарзда, халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрларига ҳамда БМТ Низомига асосланган ҳолда, музокаралар йўли билан ҳал этилишида кўрилади, деган фикрни билдирдилар.

Сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ижро этиш юзасидан тайёрланган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга, улар фаолиятининг шаффофлигини, очиқлигини таъминлашга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янги таҳрирда кўриб чиқдилар.

Қонун корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатларини, ҳуқуқлари ва масъулиятини янада аниқ белгилаб қўйишга, бозор муносабатларини қўлланиш амалиётини ҳамда уларни ривожлантиришнинг янги реал воқеликларини ҳисобга олган ҳолда акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари ва тафтиш комиссияларининг ролини ҳамда аҳамиятини оширишга, акциядорлик компаниялари фаолиятининг шаффофлигини ва ҳамма акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятлари фаолиятига доир ахборотдан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилганлиги қайд этилди.

Сенаторларнинг фикрича, Қонун бозор ислоҳотларини янада демократлаштиришга ҳамда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини либераллаштиришга, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга, ўрта мулкдорлар синфининг иқтисодиётдаги аҳамиятини ва иштирокини оширишга, молия бозорида рақобатни янада чуқурлаштиришга, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Ялпи мажлисда ушбу Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини оширишга, уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини, кўрилаётган чораларнинг тизимлилигини ва батартиблигини таъминлашга, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга соладиган кўп сонли ҳуқуқий нормаларни бирхиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Парламент юқори палатаси вакилларининг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида яхлит норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш имконини беради, жойларда ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга, жамоат тартиби сақланишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган самарали, кўп босқичли профилактика тизимини яратишга ёрдам беради.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги "Судларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва 2012 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармойиши қоидаларини амалга ошириш доирасида тайёрланган янги таҳрирдаги Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Мажлисда қайд этилганидек, ушбу Низомнинг нормалари судьялар лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизимини, барча даражалардаги судьяларнинг малака коллегиялари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштиришга, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Қонуннинг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Қонун билан бир қатор қонунларга: "Нотариат тўғрисида"ги, "Алоқа тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатларини ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги, "Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунларга, Жиноят, Фуқаролик кодексларига, бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини чуқурлаштириш чораларини амалга оширишга, бу соҳадаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишига ёрдам беришга қаратилганлиги қайд этилди.

Ҳуқуқий маданиятни ошириш ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича қатор тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Омбудсман томонидан фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилаётганлиги тўғрисидаги шикоятлари ва мурожаатларини кўриб чиқишга, бу ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш бўйича қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор берилди. Сўнгги вақтларда мурожаатларни электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида мурожаатларнинг бошқа шакли — Омбудсман ва унинг Котибияти ходимларининг шахсий қабули ҳам кенг амал қилмоқда.

Муҳокама асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор истак ва тавсияларни баён этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Айтинг-чи, ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга таржимасини шаҳодатлаш учун нотариусга таржимон билан бирга бориш керакми ёки нотариуснинг ўзи таржимани бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганини шаҳодатлаб берадими?***

**Б.СОБИРОВ,**
Қизилтепа тумани

— Нотариус, башарти у тегишли тилларни билса, бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганини шаҳодатлайди.

Агар нотариус тегишли тилларни билмаса, таржима нотариусга маълум бўлган ва тегишли тилни билган таржимон томонидан қилиниши мумкин. Агар таржима таржимон томонидан қилинса, унинг имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми ҳужжатнинг таржима матни тагига ёзиб қўйилади, бунда нотариус унинг имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

**Саволга Навоий вилояти Қизилтепа туман 1-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси Тоҳир Эргашев жавоб берди.**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Турар жойга

**Мамлакатимизда фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаш, бунинг учун уларга зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Замонавий уй-жойларни бунёд этиш, айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида хонадонлар қуриш кўлами кенгайиб бораётгани шу мақсадга хизмат қилмоқда.**

Шу билан бирга аҳолининг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари муҳофазаси ҳам доимий ҳимояда. Конституциямизнинг 53-моддасида қайд этилганидек, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Уй-жой кодексининг 11-моддаси 3-қисмига кўра, турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, фуқаролар ва юридик шахслар, давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишли турар-жойга ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра, эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда тураржойга бўлган ҳуқуқларининг судлар томонидан таъминланиши, умуман, судлар томонидан уй-жойлар билан боғлиқ низоларни қонун талаби асосида адолатли ҳал этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди томонидан 2013 йил давомида уй-жой низолари билан боғлиқ кўрилган ишлар умумлаштирилди.

Айтиш керакки, умумлаштириш натижаларига кўра, 2013 йил давомида бу борада 229 та иш кўриб тамомланган. Уларнинг 60 таси тураржойга киритиш, 45 таси тураржойдан чиқариш, 33 таси тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш, 26 таси тураржойни умумий мулк деб топиш ҳақидаги даъво аризаларидан иборатдир.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этсак, даъвогар А.Муротов қариндоши З.Ботировга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда ўзига тегишли бўлган тураржойга З.Ботировни 2008 йилда рўйхатдан ўтказгани, лекин З.Ботиров охирги бир йил давомида бу уйда яшамаётгани, шунга қарамасдан, унинг учун ҳам тураржойнинг коммунал тўловларини ўзи тўлаётганини билдирган. Шунга асосан, З.Ботировнинг тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топишни сўраган.

Уй-жой кодексининг 52, 54-моддаларига кўра, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги тураржойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида тураржой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.

Фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу тураржойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибида амалга оширилади.

Суднинг ҳал қилув қарори билан ушбу даъво аризаси қаноатлантирилиб, жавобгар З.Ботиров тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топилди. Сабаби, З.Ботиров низоли турар жойда бир йилдан буён яшамасдан, қонунчиликда белгиланган олти ойлик муддатни узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборган.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Либераллаштиришда жиноий жавобгарликнинг муқаррарлиги сақланади, бироқ озодликдан маҳрум қилишнинг муқобил усуллари кенгроқ татбиқ қилинади.

Бундан ташқари илмий-амалий материаллар таҳлилига кўра, жиноий жазоларни либераллаштириш — бу жиноят қонунчилигининг жазоловчи хусусиятини камайтириш, мўътадиллаштириш ёки енгиллаштириш, эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш, инсонларни ахлоқан тузалишига имконият яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи, ҳуқуқий сиёсатнинг мустақил йўналиши ҳисобланади.

Жиноий жазоларни либераллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши кўпроқ кузатилади:

— жиноятларнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб бўлинган гуруҳларининг сон жиҳатидан оғиридан енгилига қараб кўпайиши, масалан, унча оғир бўлмаган жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш;

— жиноятлар, айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жазоларни белгилашда озодликдан маҳрум қилишдан кўра, кўпроқ моддий оқибат келтириб чиқарувчи жазоларни белгилаш, масалан, жарима жазосини ёки моддий компенсация тўлаш эвазига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашни кенгайтириш.

Айтиш керакки, Конституциямизнинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", деб қатъий мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур конституциявий меъёрлар жамиятнинг барча аъзоларига нисбатан, шу жумладан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан бўлган муносабатда ҳам устувор аҳамиятга эга эканлигига Жиноят кодекси меъёрларини ишлаб чиқишда ҳам алоҳида эътибор берилганини кўриш мумкин.

Мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар таҳлилига кўра, кодекснинг Махсус қисмида белгиланган 230 дан ортиқ моддаларнинг 100 га яқинига санкциясини енгиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Олий Мажлиснинг 2001 йил 29-30 август кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ VI сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Адолат — қонун устуворлигида" номли маърузасида жиноий жазоларни либераллаштиришнинг навбатдаги истиқболлари белгилаб берилди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ва жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштиришдан иборат эканлиги таъкидланди. Жумладан, мазкур сессияда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан Жиноят кодексининг жазо тизимига тегишли бир қатор меъёрларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Жиноят кодексининг 50-моддаси тўртинчи қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 53-моддаси чиқариб ташланди. Яъни мол-мулкни мусодара қилиш жазоси жазо тизимидан бутунлай чиқарилди. Кодекснинг 85-моддаси вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди, деган тўртинчи қисм билан тўлдирилди.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг "Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш" номли 167-моддаси, "Фирибгарлик" номли 168-моддаси "етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди" тарздаги, "Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш" номли 170-моддаси "етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда қамоқ тариқасидаги жазо қўлланилмайди" тарздаги, "Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш" номли 175-моддаси "етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди" тарздаги, "Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш" номли 202-моддаси "етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди" тарздаги алоҳида қисм билан тўлдирилди.

Бунда етказилган зарарни қоплаш учун айбдорга имконият беришга алоҳида эътибор қаратилиб, зарарни қоплаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тури қўлланилмайдиган бўлди.

Айтиш керакки, 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган қонун билан Жиноят кодексининг яна бир қатор моддаларига, жумладан, жазога оид меъёрларига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди: биринчидан, Жиноят кодексининг 50-моддаси саккизинчи қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмаслиги белгиланди; иккинчидан, Жиноят кодексининг 85-моддаси тўртинчи қисми янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди, деган меъёр белгиланди.

*Islohot va samara*

# Қонунчилигимиздаги инсонпарварлик тамойиллари

## фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоясига хизмат қилмоқда

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур босқич ўз моҳияти билан олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Чунки унинг пировардида Ўзбекистонда ўлим жазоси бутунлай бекор қилинди. Жумладан, 2005 йил 1 августда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги тарихий Фармони эълон қилинди. Шу муносабат билан "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун 2007 йил 11 июлда қабул қилинди ва у 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

Ушбу қонуннинг 1-моддаси билан Жиноят кодексининг жазо тизимига оид бир қатор меъёрларига қуйидаги мазмундаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди: биринчидан, Жиноят кодексининг "Жазо тизими" номли 43-моддаси биринчи қисми "з" бандидаги "ўлим жазоси" деган сўзлар "умрбод озодликдан маҳрум қилиш" деган сўзлар билан алмаштирилди. Натижада жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ўлим жазоси ўрнига, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши белгиланди; иккинчидан, Жиноят кодексининг "Озодликдан маҳрум қилиш" номли 50-моддаси "Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин"лиги қайд этилди.

Айтиш керакки, 2008 йил 11 апрелда қабул қилинган қонун билан Жиноят кодексининг 58-моддаси жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекснинг Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак, тарздаги иккинчи қисм билан тўлдирилди. Бундай қоидани белгилаш орқали тамом бўлган жиноятлар билан тамом бўлмаган жиноятлар учун қўлланиладиган жазо муддати ва миқдори ўртасидаги номутаносибликка барҳам берилди.

Шунингдек, 2010 йил 18 майда қабул қилинган қонун билан Жиноят кодекси "Ушбу Кодекс 55-моддаси биринчи қисмининг "а" ва "б" бандларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва ушбу кодекс 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга татбиқ этилмайди" деган мазмундаги $57^1$-модда ("Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш") билан тўлдирилди. Яъни айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам берган ёхуд етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилган шахслар ҳаракатини тегишли тартибда баҳолашга оид қоида белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мамлакатимизда жиноий жазо тизимини инсонпарварлик тамойиллари асосида либераллаштиришга оид ҳуқуқий база йилдан-йилга инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилмоқда. Бу эса, инсон манфаатларини самарали таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Нодир МУХТОРОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди*

*Qonun ijodkorligi*

# Давлат мулкини бошқариш

## бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, ушбу қонун лойиҳаси билан давлат акция пакетлари (улушлари)ни корпоратив бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, давлат мулки субъектларининг ўзаро муносабатлари ва уларнинг давлат мулкидан самарали фойдаланиш ва сақланишини таъминлаш бўйича самарали ишларни таъминлаш учун жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, давлат мулкини бошқаришнинг мақсад ва принциплари асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан доимий равишда стратегик аҳамиятга эга давлат мулки объектларини қисқа муддатли ёки узоқ муддатли истиқболда бошқариш бўйича дастурларни қабул қилиб бориш назарда тутилган. Мазкур дастурларда давлат мулки объектлари бўйича алоҳида устувор мақсадлар ва уларга эришиш учун вазифалар белгиланади.

Айтиш жоизки, ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида Германия, Франция, Испания ва бошқа бир қатор давлатларнинг давлат мулкини бошқариш соҳасидаги қонунлари атрофлича ўрганиб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, турли давлат мулки объектларини бошқаришнинг ягона тизими яратиш, унинг тузилишини ва таркибини бир қатор тармоқларда оптималлаштириш имконини беради.

**Феруза ОМОНОВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

*Huquq va burch*

# Гаров тушунчаси



## унинг вужудга келиш асослари ва турлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Яъни гаровнинг аҳамияти шундаки, мажбурият қарздор томонидан ижро этилмаган тақдирда, кредитор ўзининг талабини гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан биринчи навбатда қондириш имкониятига эга бўлади.

Фуқаролик кодексининг 264-моддаси ва "Гаров тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига биноан, гаров ҳуқуқи шартнома ёки қонунларга кўра, вужудга келади.

Бундан ташқари Фуқаролик кодексининг 265-моддаси ва "Гаров тўғрисида"ги қонуннинг 4- ва 33-моддаларига биноан, гаров закалат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин. Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закалат деб ҳисобланади. Кўчмас мулкни гаровга қўйиш эса, ипотека ҳисобланади. "Гаров тўғрисида"ги қонун талабига кўра, гаровга қўювчига тегишли эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари, шу жумладан, ижарачининг ҳуқуқлари, мажбуриятларидан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқлар ва ўзга мулкий ҳуқуқлар гаров ҳуқуқи нарсаси бўлиши мумкин.

Қонун талабига кўра, гаров шартномаси ёзма равишда тузилади.

Айтиш керакки, судлар томонидан гаров мажбуриятларини бажармаганлиқ юзасидан келиб чиқадиган низолар қонун талабларига қатъий риоя этилган ҳолда адолатли ҳал этилмоқда.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак, даъвогар Республика Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Қўнғирот филиали манфаатини кўзлаб, жавобгарлар "Олтинбек" фермер хўжалиги ва фуқаро Достон Ҳакимбоевга нисбатан кредит шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш, юзага келган қарзни ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суддаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Қўнғирот филиали билан жавобгар "Олтинбек" фермер хўжалиги ўртасида 2010 йил 9 март куни кредит шартномаси тузилган. Ушбу шартномага кўра, фермер хўжалигига 160.000.000 сўм миқдорида кредит берилган, кредит таъминоти сифатида "Олтинбек" фермер хўжалигига тегишли дўкон, сутни қайта ишлаш цехи ва фуқаро Д.Ҳакимбоевга тегишли дўкон тарафлар ўртасидаги 2011 йил 29 ноябрда тузилган ипотека (гаров) шартномаси асосида гаровга қўйилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилди, 2010 йил 9 мартда ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Қўнғирот филиали билан "Олтинбек" фермер хўжалиги ўртасида тузилган кредит шартномаси муддатидан илгари бекор қилинди. Жавобгар "Олтинбек" фермер хўжалигидан кредит бўйича 176.594.965 сўм қарзни ундириш гаровга қўйган мол-мулкка қаратилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, гаров институти мажбуриятларни таъминлашнинг самарали усулларидан бири бўлиб, унинг талабларига тўлиқ риоя этиш тарафлар манфаатига хизмат қилади.

**С. НИЁЗОВ,**
*Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Қўнғирот туманлараро судининг раиси*

**Мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилишда битимлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Шу боис ҳам бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилгани амалда кутилган самараларни бермоқда.**

*Huquqiy ma`rifat*

# Қонуний тузилган битим

## тарафлар манфаатларига хизмат қилади

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 101-моддасига мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига битим дейилади. Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши, шу каби оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилиши мумкин.

(Давоми тўртинчи бетда)

# оид ҳуқуқлар

## судлар томонидан кафолатли ҳимоя қилинмоқда

Таъкидлаш жоизки, Олий суд Пленумининг **"Фуқаролик кодексини тадбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"**ги қарорининг 5-бандига кўра, битимнинг тўла ёки қисман бажарилиши ёзма далиллар мавжуд бўлганда эътиборга олиниб, ҳақиқий деб топилиши мумкин. Олиш-сотиш битимининг ҳақиқийлиги сотувчига квартира ёки уй қийматини тўла ёки қисман бериш қисмини амалга оширилганлиги гувоҳлар кўрсатмаси билан тасдиқланиши мумкин эмас. Фуқаролик процессуал кодексининг 59-моддасига биноан, қонун бўйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларини бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас.

Суд низони ҳал этишда битимнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун манфаатдор томонлар тақдим этган ёзма далиллар (тасдиқланмаган шартнома, тилхат)нинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Зарур ҳолларда, масалан, собиқ мулк соҳиби вафот этган ёки унинг манзилини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда суд-ҳуснихат экспертизаси ўтказиш мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал этиши лозим.

Айтиш керакки, бу борада суд амалиётини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, баъзи ҳолларда қуйи судлар томонидан Олий суд Пленуми қарори талабларига тўлиқ риоя қилинмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай ҳолатда, табиийки, қуйи суд қарорлари юқори инстанцияда бекор қилинади. Масалан, даъвогар Б.Арслонов жавобгар И.Мамутовга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий, деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда 2005 йил жавобгардан низоли уйни 14 миллион сўмга сотиб олгани, бу ҳақда жавобгарнинг тилхати мавжудлиги, 2006 йил жавобгар И.Мамутов қўшни республикага кўчиб кетгани, олди-сотди шартномаси ўз вақтида нотариус орқали расмийлаштирилмаганини билдирган ва олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Айтиш керакки, ушбу низо юзасидан биринчи инстанция суди ишдаги тилхат ва гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосан, тарафлар ўртасидаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Жавобгар И.Мамутовнинг айни пайтдаги яшаш манзилини аниқлаш имкони бўлмагани сабабли апелляция инстанцияси томонидан суд-ҳуснихат экспертизаси тайинланди ва экспертиза хулосасига кўра, ишдаги тилхат жавобгар И.Мамутов томонидан ёзилмаган ва имзоланмагани аниқланди. Шу сабабли апелляция инстанцияси томонидан биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, тураржой билан боғлиқ низоларни кўришда судлар томонидан қонунчиликка риоя қилиниши, аввалambor, фуқаролар, юридик шахслар ҳамда давлат манфаатлари муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

**А.БОЙМУРАТОВ,**
*Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раиси*

*2014-yil — Sog'lom bola yili*

# Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюкдир






**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

2013 йилнинг ўзида турли даражадаги халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 124 олтин медални қўлга киритгани қувонарли. Ёшларимизнинг дунё спорт шоҳсупаларида туриб, ўзларининг шарафига Ватанимиз байроғи ҳилпираётгани, мадҳиямиз янграётганидаги ҳаяжонни ҳис этиш — бу нафақат ўша спортчилар ва уларнинг ота-оналари, балки бутун Ўзбекистоннинг қувончи ва фахридир.

Айтиш керакки, қўлга киритилаётган бу ғалабалар мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самарасидир. Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли спорт мусобақалари фарзандларимизни соғлом тарбиялаш баробарида профессионал спортчиларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунинг учун "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақалари хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мазкур уч босқичли ноёб тизим бамисоли қудратли тўлқин каби мамлакатимизнинг барча ўқувчи ва талаба-ёшларини ўз сафига қамраб олмоқда, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом улғайишига хизмат қилмоқда.

Ушбу мусобақалар орқали мамлакатимизнинг барча ҳудудларида спорт инфратузилмаси такомиллаштирилди, янги ва замонавий спорт иншоотлари барпо этилди, улар зарур спорт инвентарлари билан тўлиқ таъминланди.

"Баркамол авлод" — уч босқичли тизимнинг ўрта бўғини сифатида ёшларнинг катта спортга қадам қўйишида муҳим аҳамиятга эга. Унда асосан бир неча йилдан бери спорт билан мунтазам шуғулланаётган, ўз олдига профессионал спортчи бўлиш мақсадини қўйган ёшлар қатнашади. Уларнинг аксарияти "Умид ниҳоллари"да қизғин мусобақалар ҳадисини олган, ҳар қандай беллашувларга ҳозир умидли спортчилардир.

Бугун кўпгина қизлар андижонлик сузувчи Раънохон Омоновага ҳавас билан қарайди. У уч босқичли тизимнинг барча мусобақалари — "Умид ниҳоллари — 2009", "Баркамол авлод — 2011" ва "Универсиада — 2013"да ғолибликка эришган моҳир спортчи. Мамлакат чемпионатларида кўп бор шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилган Раънохон сузувчиларимиз орасида энг кўп — етти маротаба Ўзбекистон рекордини ўрнатди. 2012 йили Лондон Олимпиадасида қатнашиб, мутахассислар эътиборига тушди.

Мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар орасида уч босқичли спорт тизимидан етишиб чиққан ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Бугун ушбу моҳир спортчиларимиз улғайиб келаётган ўғил-қизлар учун ҳақиқий ўрнак ва намуна тимсолига айланган.

Бу йил Наманганда бўладиган "Баркамол авлод — 2014" спорт мусобақаларининг финал босқичида спортчи-ёшлар ўн олти спорт тури — баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, теннис, стол тенниси, енгил атлетика, сузиш, бадиий гимнастика, шахмат, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, таэквондо, бокс ва оғир атлетика бўйича ғолиблик учун куч синашади.

Айни кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари орасидан энг эпчил ва кучлиларини саралаб, "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг якуний баҳсларида қатнашадиган жамоаларни шакллантириш ишлари қизғин давом этмоқда.

— Аксарият таниқли спортчиларимиз уч босқичли спорт мусобақаларидан етишиб чиққан, — дейди бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони, фарғоналик Бектемир Меликўзиев. — Мен ҳам саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтиб, "Баркамол авлод" ўйинларида илк бор қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганимда ўзимни худди Олимпиадага йўлланма олгандек ҳис қилдим. Бу — бежиз эмас. Зеро, боксчи сифатида энг олий мақсадим — Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида давлатимиз байроғини баланд кўтаришдир.

Ҳа, бугун юртимизда вояга етаётган фарзандларимиз юксак марраларни забт этиш, келгусида Олимпиада чемпиони бўлишга қодир баркамол авлод вакиллари. Улар дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини ҳис этган ҳолда катта ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келмоқда. Ана шундай соғлом фарзандлари бор юртнинг келажаги, албатта, буюк бўлади.

**Муаттархон РЎЗИБОЕВА**

***Инсон хотирасининг чексиз имкониятлари ҳақида тарихий манбалардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ кишининг ёши ўтган сайин баъзан хотираси сусайиб бориши ҳам кузатилади.***

*G'aroyib olam*




Баъзан уйдан чиққанда дазмолни ўчирганмидим, деб ўйлаб қоладиган, лекин аниқ жавоб тополмайдиган кишилар ҳам учраб туради. Маълумки, хотира панд бера бошласа, киши ана шундай аҳволга тушади. Хўш, хотирани ёшартиришнинг имконияти борми?

Яқинда Канаданинг Торонто университети тадқиқотчилари олий маълумотли киши миясининг юқори фаоллигини кексайганда ҳам сақлаб қолишини исботлаб беришди. Улар бу тажрибани ўтказишда функционал магнит-резонансли томография усулидан фойдаланиб, турли ўқув малакасига эга бўлган ёшлар ва кексаларнинг хотираси қай тариқа ишлашини текшириб кўришди. Тажрибада кекса кишилар миясининг пешона қисми фаолроқ бўлиши, ёшларда эса, интеллектуал машқлар ечилаётган пайтда бу мия улуши ишламай туриши аниқланган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ёш ўтиши билан кишининг пешона қисмидаги мия улушининг иши, биз тасаввур этганимиздек, сустлашиб қолмайди, аксинча, хотиранинг қўшимча захираси сифатида «иш режими»га ўтади. Бежиз ёш ўтиши билан кўпчилик кексалар олис ўтмишда содир бўлган, бир қарашда арзимасдек туюлган болалик хотираларини аниқ-тиниқ эслай бошламас экан. Яъни айнан ишга тушган ана шу мия улуши бутун мия ва хотиранинг мавжуд иш фаолиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Хотира сустлашишининг яна бир сабаби тараққиётнинг илгарилаб кетганидир. Нега деганда, табиий хотирамизни компьютер ихтиёрига топшириб қўяр эканмиз, энг оддий ва жўн ахборотларни ҳам баъзан ёдда сақлаб қолишда қийнала бошлаймиз. Япониянинг Хоккайдо университети профессорлари 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган, асосан компьютер хизматидан фойдаланиш кундалик талабига айланиб қолган 150 нафар кишини текширувдан ўтказишганда, уларнинг 10 фоизида хотиранинг жиддий бузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Бу кишилар, айниқса, янги ахборотни эслаб қолиш, эскиларини хотирида тиклай олиш ва энг муҳим нарсаларни майда-чуйда жиҳатлардан ажратиш салоҳиятини йўқотган эди.

Айтиш керакки, хотирани ҳам ривожлантириб бориш зарур. Бунинг учун, энг аввало, доимий хотира машқларини бажариш, яъни бирор нарсани эсда яхши сақлаб қолиш учун, энг аввало, кузатувчанликни ривожлантириш ва бутун диққат-эътиборни айнан эслаб қолиниши керак бўлган нарсага қаратиш керак.

Бундан ташқари хотирани мустаҳкамлашнинг энг оддий, синалган усуллари ҳам бор. Бу машқ кичик тўхтам (пауза) дейилади. У диққатингизни йиғиб олишга кўмаклашади ва содир бўлган ҳолат устида ўйлаб олиш имконини беради. Агар сиз бу усулни одат тусига киритиб, қисқа тўхтамли қайта ёдга олиш машқини тез-тез қўллаб турсангиз, кўчага чиққандан кейин уйда чироқ ёниқ, жўмрак очиқ, дазмол ўчирилмасдан қолмадимикан, деган саволлардан қийналмайсиз.

Бирор-бир матнни эслаб қолиш учун уни овоз чиқариб ўқиш фойдали. Ўқилган матнни қисм-қисмларга бўлиб эмас, бутунлигича такрорлашга ҳаракат қилинг. Агар ниманидир унутган бўлсангиз, ўша ахборотни 2-3 дақиқа ичида ўзингиз мустақил эслашга ҳаракат қилинг ва шундан кейингина китобга кўз ташланг. Такрорлашнинг биринчи босқичи 40 дақиқадан ошмаслиги, шундан кейин 10-15 дақиқалик танаффус қилиб, яна машғулотни давом эттириш мумкин.

Катта-катта матн парчаларини ёдда сақлашда селектив услубдан фойдаланиш, яъни иккинчи даражали нарсалардан чекиниб, энг асосий мазмунни эслаб қолиш ҳам фойдалидир. Хотира кучли амалий ишлаб чиқаришга мослашган, доимий ўсиб боришга қодир жараён ҳисобланади.

Шунингдек, ҳар бир одам хотирасининг қай жиҳати кучли эканлигини ҳам билиб олиши керак. Бунга механик кўриш ва механик эшитиш хотираси киради. Бунинг учун кимдир сизга икки хонали сонлардан исталган ўнтасини ёзиб берсин. Сиз уларни диққат билан ўқиб чиқинг ва худди шу тартибда ўзингиз қайта ёзиб кўришга ҳаракат қилинг. Кейин эса, бу рақамларнинг худди шу тартибда ўқиб берилишини сўранг ва уларни ўша тартибда оғзаки тарзда қайтаришга ҳаракат қилинг. Хўш, қайси тажрибани яхшироқ уддаладингиз? Агар биринчиси бўлса, демак, механик кўриш, иккинчисида эса, механик эшитиш хотирангиз кучли экан. Ҳаётда бежизга баъзи кимсалар ёзиб олган ахборотни, баъзилар эса эшитганини яхшироқ эслаб қолмайди. Умуман олганда, ҳар қандай овоз чиқариб ўқилган ахборотнинг 10 фоизи, эшитилганининг 20, аралаш — ҳам ёзиб, ҳам эшитилган ахборотнинг 50 фоизи, ўзимиз гапираётган гапларимизнинг 70, бажарган ишимизнинг эса 90 фоизи ёдда яхши сақланиб қолиниши исботланган. Бунда кўриш хотирамиз тахминан 65 фоизни ташкил этади.

**Интернет материаллари асосида Шерзод Хайруллаев тайёрлади.**

*Huquqiy ma'rifat*

# Қонуний тузилган битим

## тарафлар манфаатларига хизмат қилади

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Судлар томонидан бу борадаги низоларни тўғри ва адолатли ҳал этишда Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги **"Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"**ги қарорида қайд этилган раҳбарий тушунтиришлар муҳим ўрин тутади.

Ушбу Пленум қарорида битимни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъволарни кўришда судлар ҳақиқатан ҳам, тарафлар ўртасида битим тузиш ҳақида келишув бўлгани, битим шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилгани ва битимни нотариал тасдиқлашга монелик қилган сабабларни аниқлаш лозимлиги алоҳида қайд қилинган. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 112-моддасига мувофиқ, битимнинг қисман ёки тўлиқ бажарилганлиги ҳақидаги ёзма далиллар мавжуд бўлганда ёхуд жавобгар томонидан битим тузилганлиги тан олинганда судлар ҳар қандай битимни эмас, фақатгина қонунда нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинадиган битимни ҳақиқий деб топишга эътибор қаратиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Пленум қарорининг 5-бандида қонун ёки мажбуриятларнинг айрим турларини тартибга солувчи Фуқаролик кодексининг муайян қоидаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаблар бўйича умумий даъво муддати уч йил қилиб қатъий белгилаб қўйилган.

Битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талабдан шартномани бекор қилиш ҳақидаги талаб даъво муддати чекланмаганлиги билан фарқ қилади. Чунки бундай даъво билан мурожаат қилишга шартнома ҳаракатда бўлган бутун давр мобайнида йўл қўйилади.

Фуқаролик кодексининг 114-моддасига мувофиқ, ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Битим ҳақиқий бўлмаганда тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олган нарсани аслича қайтариб бериш имкони бўлмаганда эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилмаган бўлса, унинг қийматини пул билан тўлаши керак.

Хулоса қилиб айтганда, битим тузишда қонун талабларига қатъий риоя этиш, унинг шартларини тўлиқ адо этиш ғоятда муҳимдир. Зотан, шартнома тарафаларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш баробарида жамиятимиз равнақига ҳам хизмат қилади.

**Алмос БОЛТАЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг судьяси*

**Мамлакатимизда фуқароларнинг мулкдор бўлишга оид ҳуқуқлари ҳамда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва давлат ҳимоясида эканлиги, унга нисбатан қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга зид деб топилиши конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилган.**

*Jinoyat va jazo*

# Ўзганинг мулки

## унга дахл қилиш жавобгарликка сабаб бўлади




Бу қоида Конституциямиз асосида шу йўналишда қабул қилинган кўплаб қонунларда янда кенгроқ ифода этилган. Хусусан, ўзгалар мулкига дахл қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг хусусиятлари ва улардан келиб чиқадиган жавобгарлик масалаларига Жиноят, Жиноят процессуал кодексларида алоҳида ўрин берилган.

Айтиш жоизки, ўзгалар мулкини товламачилик ва талончилик йўли билан талон-торож қилиш ушбу турдаги бошқа жиноятлардан фарқланади. Жумладан, товламачилик — жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаат беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилишда намоён бўлади. Ушбу жиноят нафақат бир шахснинг мулкий манфаатларига зарар етказиши, балки жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши билан ҳам ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади.

Талончилик жинояти ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилган ҳолда содир этилгани туфайли бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бошқа турдаги жиноятларга нисбатан бирмунча юқори бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бундай жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларга қарши кескин курашиш юзасидан муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Аммо бунга қарамай, ҳаётда осон йўл билан мўмай даромад топишни кўзлайдиган айрим кимсаларнинг учраб туриши афсусланарлидир.

Шу ўринда фикримизни мисоллар билан давом эттирадиган бўлсак, Марғилон шаҳрида яшовчи Шермат Тўраев (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2013 йил январь ойида С.Юсуповнинг бошқарувида бўлган "Дамас" русумли автомашинада йўловчи сифатида кетаётиб, ҳайдовчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш билан уни қўрқитиб, автомашинани эгаллаб олади. Кейин эса, ҳайдовчини мажбуран машинадан тушириб юборади. Бироқ жиноятчи узоққа қочиб кетишга улгурмайди. Марғилон шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир натижасида автомашина холислар иштирокида ўз эгасига қайтариб берилди.

Бироқ орадан кўп вақт ўтмай Ш.Тўраев яна шундай жиноятга қўл урди. Аниқроқ айтганда, у кечаси Марғилон шаҳар Алишер Навоий номидаги кўчада О.Мамаюсупов бошқарувидаги "Дамас" русумли автомашина йўлига маст ҳолда чиқиб, уни тўхтатади. Шундан сўнг у ёнидаги ошхона пичоғидан қурол сифатида фойдаланиб, ҳайдовчини қўрқитади ва машинани Қўштепа туманида жойлашган метан газ қуйиш шохобчасига ҳайдашни буюради. Ҳайдовчи ноилож унинг талабини бажаришга мажбур бўлади. Қисқаси, газ қуйиш шохобчасига етиб келгач, Ш.Тўраев машинадан ҳайдовчи ва йўловчиларни тушириб юбориб, босқинчилик билан автомашинани қўлга киритади. Шундан сўнг у автомашинани уйига ҳайдаб боради ва ҳайдовчига тегишли ҳужжатларни олиб қолади. Автомашинани эса, қўшниси Б.Ортиқов орқали эгасига қайтариб беради. Кейинчалик эса, у ҳайдовчига тегишли ҳужжатларни паст ва ғараз ниятда йўқ қилиб юборади.

Албатта, Ш.Тўраев қилмишлари учун қонун олдида жавоб берди. Суд томонидан унга айбига яраша жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳаётда ҳар биримиз жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилишимиз, ўзгалар манфаатларига путур етказмаслигимиз керак. Зеро, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати унинг кимлигини билдириб туради. Шундай экан, тўғри яшаш, бошқаларга ибрат бўлиш умримиз мезонига айланса, нур устига аъло нур бўлади.

**Т.БУВАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг раиси*

**КУЧ—АДОЛАТДА**

*МУАССИС:*
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

*Бош муҳаррир:*
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шоюнус ГАЗИЕВ
Қўчқор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ҲИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

*Навбатчи муҳаррир:*
Сардор ҲАМРОЕВ

*Саҳифаловчи:*
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-425. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7375.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 00:30 Топширилди: 01:00